

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
“UZ-SAEMYUNG KO”
УЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ КУШМА КОРХОНАСИ**

АЖ “UZ-SAEMYUNG KO” ҚҚ

Кузатув Кенгашининг
2023 йил 19 Апрель кунги

сонли қарори билан



“ТАСДИКЛАНГАН”

**Акциядорлик жамиятларда
аффилланган шахслари билан битимлар тузиш
ТАРТИБИ**

1. Мақсади.

Мазкур тартибнинг (кейинги ўринларда “Тартиб” деб юритилади) мақсади АЖ“UZ-SAEMYUNG KO” ҚК аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартибини бирлаштириш ва такомиллаштириш хамда ушбу жараёнларни амалга оширишдаги ваколатлар, хужжатлар айланмаси ва жавобгарликларни белгилашдан иборат.

2. Қўлланиш доираси.

Ушбу Низомнинг талаблари куйидаги турдаги битимларга тааллуқли емас:

- жамиятнинг барча таъсисчилари манфаатдор бўлган битимларга, агар жамиятнинг барча таъсисчилари манфаатини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлса;
- жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хужалик эҳтиёжлари учун амалга оширилган жараёнлар, агар битим предмети монопол маҳсулот, моддий ва техник ресурсларни стратегик турлари бўлса, бунинг учун Конун ҳужжатларида сотиш учун маҳсус тартиб белгиланади;
- биржа ва кимошди савдолари орқали амалга ошириладиган битимларга, битимнинг предмети ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар бўлса;
- жамият томонидан жойлаштирилган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган пайтларда;
- жамиятни қайта ташкил этиш тартиб-таомилларини амалга ошираётган пайтларда;
- жамият улушларини ўз таъсисчилари ўртасида жойлаштирилаётган пайтда;
- биржада қимматли қоғозларни сотища ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорини ташкил етища;
- агар жамият Кузатув Кенгашининг ёки таъсисчилар умумий йигилишининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият ва аффилланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) тасдиқлаш тўғрисидаги муддатидан илгари қарори мавжуд бўлса.

3. Ҳаволалар.

3.1. Ушбу тартиб куйидаги низомлар ва меёрий ҳужжатар моддалари

асосида ишлаб чиқилган:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни.

3.2. Атамалар ва таърифлар.

Жамият бошқаруви - жамиятнинг жорий фаолиятини бошқарувчи жамиятнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг ваколатлари жамият Устави, Жамиятнинг "Ижро органи тўғрисида"ги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

Жамиятнинг аффилланган шахслари.

- 1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз улушларига эгалик қилувчи юридик шахс;
- 2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз улушларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;
- 3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;
- 4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;
- 6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камидан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камидан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;
- 8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;
- 9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камидан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга

ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

1, 2, 5, 7-бандлар ишончли бошқарувчи ёки акциядорнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Куйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

2) ушбу таъсисчи ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

3) ушбу таъсисчи ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

4. Жавобгарлик.

4.1. Аффилланган шахс билан тузилган битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва якунларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

4.2. Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилланган шахси етказилган зарарнинг, жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни ва даъвони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

5. Асосий қоидалар.

5.1. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш.

5.1.1. Аффилланган шахс жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил

кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

Ёзма билдиришномада куйидаги маълумотлар тақдим этилиши керак:

▪ битимда иштирок этаётган томонлар тўғрисида аниқ маълумотлар;

▪ тақлиф этилаётган битимнинг предмети;

▪ тегишли шартноманинг муҳим шартлари (қонун ҳужжатларида ушбу турдаги шартномалар учун зарур ёки ушбу турдаги шартномалар учун зарур деб номланган шартлар, шунингдек аффилланган шахснинг илтимосига биноан келишувга эришиш керак бўлган барча шартлар).

5.1.2. Жамиятнинг аффилланган шахсидан битим предмети бўйича тегишли ёзма хабари олинганидан сўнг у жамиятнинг ушбу турдаги битимларини таҳлил қилиш, ўрганиш ва шартнома тузилишини ташкил этишда бевосита иштирок этувчи таркибий бўлинмасига хамда жамиятнинг ички аудит хизматига ўтказилади.

5.2. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши мумкин бўлган битимларни ўрганиш тартиби.

5.2.1. Аффилланган шахснинг ёзма хабарномаси олингандан кейин 2 (икки) иш куни ичида жамиятнинг масъул бўлими (бўлим, хизмат, ички аудит хизмати) битимни ўзини, унинг молиявий, техник, ҳукуқий ва бошқа муҳим жиҳатларини таҳлил қиласи ва ўрганишни амалга оширади. Зарур ҳолларда жамият бошқаруви раисининг(бошқарувчи директорнинг) қарори билан ушбу ишга жамиятнинг бошқа тегишли таркибий бўлинмалари ёки алоҳида ходимлари жалб этилиши мумкин.

5.2.2. Икки иш кунидан кейин битимни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари ички аудит хизматига тақдим этилади.

5.2.3. Ички аудит хизмати 1 (бир) иш куни ичида тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва жамият фаолиятига бўлиши мумкин бўлган таъсиrlар таҳлилини ўтказади.

5.2.4. Юқоридаги жиҳатларни ўрганиш натижалари асосида ижро органи томонидан баённома тузилади, ушбу баённома барча аъзолар, шунингдек аффилланган шахслар билан битимни ўрганишда иштирок этганлар томонидан имзоланади.

5.2.5. Йиғилиш котиби ижро органи номидан аффилланган шахс билан тақлиф қилинган битимни ўрганиш натижалари бўйича ижро органи баённомлари нусхаларини илова қилган ҳолда Кузатув Кенгашига ёзма хабарнома тайёрлайди.

5.3. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.

5.3.1. Жамият кузатув кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилланган шахс билан тузилган битим бўйича жамиятдан ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай битим тўғрисидаги қарорни қабул қиласди.

5.3.2. Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган тартибда ва муддатларда таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.3.3. Жамиятнинг аффилланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳукуқига эга эмас.

5.3.4. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд таъсисчиларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган таъсисчиларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.3.5. Агар аффилланган шахс билан битим бир вақтнинг ўзида йирик битим ҳисобланса, уни тузиш(ижро этиш) тартибига жамият Уставида шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган йирик битим тузиш қоидалари кўлланилади.

5.3.6. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки таъсисчиларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида таъсисчиларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.3.7. Агар битим жамият Кузатув Кенгаши, зарур ҳолларда таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирда ва битим тўғрисида тегишли баённоманинг нусхаси ички аудит хизматига, жамият бошқарувига ва масъул таркибий бўлинмага ижро учун юборилади.

5.3.8. Масъул таркибий бўлинма таклиф этилаётган битим тарафини аффилланган шахс битими бўйича қабул қилинган қарор хақида ёзма равишда хабардор қиласди, шундан сўнг битим белгиланган тартибда тузилиши мумкин.

5.4. Аффилланган шахс билан тузилган битим бўйича низолашиш.

5.4.1. Аффилланган шахс билан тузилган битим бўйича жамият таъсисчиси мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарордан норози бўлган ёхуд таъсисчи қарор қабул қилинишида иштирок этмаган тақдирда низолашиши мумкин.

5.4.2. Жамият таъсисчининг талабига кўра уч иш куни ичидага таъсисчига аффилланган шахс билан тузилаётган битим ҳақида директор (бошқарув раиси) томонидан имзоланган тегишли ахборотни:

- аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдиришининг;
- битимни ўрганиш натижаси баённомасининг;
- битимни маъқуллаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг;
- тегишли шартноманинг, агар у тузилган бўлса, кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

Жамият таъсисчининг талабига кўра таъсисчига аффилланган шахс билан тузилаётган битимга тааллукли бўлган бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

5.4.3. Аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, таъсисчи ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан бевосита ёхуд таъсисчи номидан даъвогар бўлиб чиқишига ҳақли бўлган ваколатли давлат органлари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли.

5.4.4. Жамиятнинг ўн фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи улушларига эгалик қилувчи таъсисчи аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, жамият суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда таъсисчининг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

5.4.5. Аффилланган шахс билан тузилган битим қуидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас:

- аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган таъсисчининг овоз бериши таъсисчиларнинг ушбу битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинган умумий йиғилишида унинг иштирок этишидан ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатмаса;
- мазкур битимнинг тузилиши жамиятга ёки даъво билан судга мурожаат қилган таъсисчига зарар етказилишига сабаб бўлганлиги ёки зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкинлиги исботланмаган бўлса;
- мазкур битим бўйича заарлар битим тарафларининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг (форс-мажор ҳолатларнинг) натижаси бўлганлиги исботланган бўлса;
- мазкур битимнинг ушбу бобда назарда тутилган тартибда кейинчалик маъқулланганлиги далиллари ишни судда кўриб чиқиш пайтида тақдим этилган бўлса.

6. Сақлаш.

6.1. Ушбу тартибнинг асл нусхаси жамиятнинг юридик хизматида; № _____ -сонли рақам остида сақланади. Ушбу тартибнинг ПДФ форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун жамиятнинг умумий серверига жойланади. Ушбу тартибнинг docx форматидаги электрон нусхаси хам юридик хизматда сақланади.

7. Хулоса.

7.1. Ушбу “Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ТАРТИБИ” белгилangan тартибда жамият ваколатли бошқарув органлари томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.